

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Саттаров

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 631.15:658.155:330.111.62

САТТАРОВ ШУҲРАТ ҲАСАНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

Ихтисослик: 08.00.04—Микроиқтисодиёт
(Агросаноат мажмуи)

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд – 2006

Иш Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бажарилган

- Илмий раҳбар: Иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган иқтисодчи
Хусанов Муртазокул Хусанович
- Расмий оппонентлар: Иқтисод фанлари доктори, профессор
Чориев Қурбон Амирович
- Иқтисод фанлари доктори, профессор
Рашидов Ўқтам Рашидович
- Етақчи ташкилот: Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий-
тадқиқот институти


Химоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти хузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича К.067.12.01. рақамли ихтисослашган кенгашнинг 2006 йил «24» сеп соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 703000, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 9 уй


Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «23» сеп да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент:



Б.А. Абдукаримов



I. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Ишлаб чиқариш муносабатлари асосини мулкый муносабат ташкил этиши боис, жамият иктисодиётининг юксалиши мулкый масаланинг мақбул шаклда ҳал этилганлиги билан бевосита боғлиқ.

Ҳозирда мамлакат аҳолисининг 62 фоизидан кўпроғи кишлоқларда истикомат қилмоқда ва уларнинг асосий даромад манбаи кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳисобланади. Республика халқ хўжалигида яратилган ялпи ички маҳсулотининг 1/3 қисми кишлоқ хўжалигига тўғри келади. Ушбу тармоқда мамлакат ер фондининг 70 фоизи, сув ресурсларининг 90 фоизи, моддий-техник ва молиявий ресурсларнинг 30 фоизидан ортиқроғи фойдаланилади. Мамлакат экспорт салоҳиятини ва иктисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам кишлоқ хўжалигининг роли катта. Аммо аграр тармоқда бозор муносабатларини босқичма-босқич амалга оширилиши, ислохотларнинг ҳар бир даврида ўзига хос муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгармоқда, фермерлик кишлоқда хўжалик юритишининг энг истиқболли ва самарали шакли сифатида етакчи ўринни эгалламоқда»¹. Бу кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Жумладан, фермер учун яратилган шароитлар, хизмат кўрсатиш тизими, моддий-техник ресурслар таъминоти, маҳсулотларни сотиш ва молиялаштириш соҳаси фермерга қонунда белгиланган иктисодий эркинликларнинг субъектив равишда амалда чекланиши билан боғлиқ ноқулай вазиятларни пайдо қилмоқда.

Бу масалаларнинг счилишида мулкый муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида, кишлоқ хўжалигида мулкый муносабатларни такомиллаштиришга, мулк шаклларини ривожлантиришга бағишланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз кишлоқ хўжалигида мулкый муносабатларни такомиллаштириш масаласи бўйича олимларимиздан Абдурахмонов Қ., Абдуғаниев А., Абдуллаев Р., Жўраев А., Жўраев Ф., Исмоилов А., Муртазаев О., Пардаев М., Сулаймонов Ш., Чориев Қ., Қодиров А., Қосимов Р., Ғуломов С., Хусанов М., Хусанов Р. кабилар кўплаб тадқиқотлар олиб боришган.

Аммо, мулкый муносабатларни такомиллаштириш доимий равишда ривожланиб боровчи жараён ҳисобланади. Ислохотларнинг ҳар бир босқичи ўзига хос вазифаларни қўймоқда ва уларнинг ҳам ўзига хос бўлган ечимлари топилиши лозим. Айниқса эволюцион янгиланиш жараёни ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида зиддиятларнинг

¹ Ёшнинг бош мақсадимиз жамиятни демократизациялаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишидир. Халқ сўзи 2005 29 январь, № 20

чуқурлашнишига олиб келади ва бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишида намоён бўлиб, аксарият ҳолларда маъмурий услублар ёрдамида эришилган киска муддатли натижалар мулкдор учун катта психологик жароҳатлар етказиб, хуфийёна иқтисодиётнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Шунинг учун ҳам эришилган натижаларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, илмий асосланган хулосалар чиқариш ва мулккий муносабатларни ривожлантириш бўйича тавсиялар тайёрлаш зарурлиги мазкур мавзунинг танланишига асос бўлди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Самарканд кишлоқ хўжалиги институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режалари асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида мулк шаклларини такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни ўз ичига олади:

- кишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг илмий-назарий асосларини ёритиш;

- бозор иқтисодиёти шароитида кишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва ўзига хос йўналишларининг моҳиятини илмий жиҳатдан очиб бериш;

- турли мулкчиликка асосланган кишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва уларни кўпайтиришга таъсир этувчи омиллардан оқилона фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- турли мулкчиликка асосланган кишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш ва унга таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар тайёрлаш;

- кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усулини такомиллаштириш мақсадида уларни кўп омилли корреляцион таҳлил ёрдамида тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар тайёрлаш;

- турли мулкчилик шароитида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидаги назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган илмий ишланмаларда ўз аксини топган:

-кишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг асослари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, уларнинг асосий йўналишлари асосланди;

-иктисодиётни эркинлаштириш шароитида кишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва мулк шаклларининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланди;

-турли мулкчиликка асосланган кишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилиб, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан оқилона фойдаланиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди;

-турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган кишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштиришнинг иктисодий самарадорлиги таҳлил этилиб, энг самарали мулк шакли деҳқон ва фермер хўжаликлари эканлиги асосланди, уларга таъсир этувчи омиллар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия қилинди;

-кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни кўп омилли корреляция таҳлили ёрдамида тадқиқ этилиб, самарадорликни ошириш бўйича тегишли хулосалар тайёрланди;

-турли мулкчилик шароитида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва маҳсулотлар рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

-иктисодиётни эркинлаштириш шароитида кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида юз бераётган мулк шаклларини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий, иктисодий ва ҳуқуқий муаммоларни ечиш юзасидан тавсиялар тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти турли мулкчиликка асосланган кишлоқ хўжалиги корхоналари ва хусусий мулк устунликларидан унумли фойдаланиш юзасидан назарий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқилган тавсиялардан турли мулкчиликка асосланган кишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича иктисодий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнида, мулк муносабатларни такомиллаштиришда ва шунингдек, олий ўқув юртлири ўқув жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин.

Натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган айрим таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилояти иктисодиёт Бош бошқармаси ҳайъати томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (№01-13/50, 18.01.2006) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (№01/08-9, 15.03.2006).

Ишнинг синовдан ўтishi. Тадқиқотнинг асосий натижалари илмий-амалий конференцияларда (СамҚХИ-2001й., ЎзБИИТИ-2002й.), ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган халқаро конференциялар (МСХА-2001г.,

ОмГАУ-2002г.), ҳамда СамҚХИ профессор-ўқитувчилар ва аспирантларнинг ҳисобот конференцияларида (СамҚХИ-1999-2004 йй.) муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот натижалари жами 3,7 босма тобоқ ҳажмдаги 11 та илмий ишда чоп этилган. Шулардан 5 таси илмий журналларда ва 4 таси хорижий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, 130 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 4 та иловалардан иборат бўлиб, 17 та жадвал, 9 та расмни ўз ичига олган ҳолда, жами 140 бетда баён этилган.

Кириш қисмида, тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади, вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, натижаларнинг синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқаришга жорий этилиши ёритилган.

Биринчи боб «Қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ривожлантириш ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари»га бағишланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигида турли мулк ва хўжалик юритиш шакллари илмий-назарий ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлашнинг илмий-услубий асослари ва мулкчилик муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларининг моҳияти илмий жиҳатдан очиб берилган.

Иккинчи боб «Қишлоқ хўжалигида турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналар ички имкониятларидан фойдаланиш ҳолатининг таҳлили»га бағишланган. Мазкур бобда турли мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши ва иқтисодий самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ўрганилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар тайёрланган.

Учинчи бобда «Қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари» қараб чиқилган. Унда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш ва сотиш баҳоларини такомиллаштириш; турли мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш; қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланган.

Хулоса ва тақлифлар қисмида тадқиқот натижалари бўйича қилинган асосий хулоса ва ишлаб чиқилган тавсиялар ўрин олган.

II. Диссертациянинг асосий мазмуни

1. Мулкчилик муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида моддий ва маънавий неъматлар етиштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг туб иқтисодий мазмунини илмий асосда тушуниш учун, биринчи навбатда, мулк объекти қимга тегишли бўлишидан ташқари, у қандай ўзлаштирилади ва

Ўзлаштириш қандай муносабатлар ёрдамида амалга оширилишини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мулкчилик ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамиятдаги содир бўладиган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар мазмунини ифодалайди. Шу боис мулк муносабатлар асосини ташкил этувчи мулк бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий масала ҳисобланади. Аммо, ҳал қилувчи аҳамият, унинг иқтисодий мазмунига тегишли бўлиб, у ишлаб чиқариш муносабатлари орқали амалга ошади.

Мулкчилик кишиларнинг жамиятдаги моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш, истеъмол қилиш ва ўзлаштириш бўйича юзага келадиган иқтисодий муносабатларида акс этади.

Республикада мулкчиликнинг: давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки ва аралаш мулк шакллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигида давлат мулки доирасида –ўқув-тажриба, наслчилик, уруғчилик хўжаликлари, хусусий мулк доирасида фермер ва деҳқон хўжаликлари, жамоа мулки доирасида эса ширкат хўжаликлари фаолият юритишмоқда. Шундан фермер ва деҳқон хўжаликлари тўлиқ шаклан ва моҳиятан хусусий мулк асосида, ширкат хўжаликлари меҳнат натижасини жамоа ва хусусий тарзда ўзлаштирган ҳолда ҳиссали мулк асосида фаолият юритади.

2. Диссертацияда янги иқтисодий шароитда ерга бўлган мулкчилик шаклларининг қулайликлари, афзалликлари ва ўзига хос камчиликлари ёритилган. Шунингдек, мулк шаклларининг ривожлантирилиши, ташкилий-иқтисодий негизлари асослаб берилган. Хусусий мулкчиликнинг афзаллиги:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг мулкдор томонидан ўзлаштирилиши натижасида иқтисодий манфаат ва жавобгарликнинг кучайтирилишида;

- мулкдорнинг ишлаб чиқарувчи ёки тадбиркор-ишбилармон сифатида кенгрок иқтисодий эркинликка эга бўлишида;

- ерга хусусий мулкчилик муносабатлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор тамойиллари асосида ривожлантириш ва ердан унумли фойдаланиб, юкори иқтисодий самарага эришишда намоён бўлади.

Ишда хусусий мулкчиликнинг қуйидаги салбий томонлари, камчиликлари ҳам эътироф этилган:

- мулкдор асосий эътиборини ернинг унумдорлигини ҳамда ундан олиннадиган маҳсулотлар ҳажми ва сифатини оширишга қаратиб, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи ёлланма меҳнат ва жамоа аъзолари манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши мумкин. Бу айниқса, ер ресурслари танқислиги шароитида сезиларли бўлади;

- ерга бўлган хусусий мулк қишлоқ хўжалиги ерларини майдаланиб кетишига олиб келиши мумкин. Экин майдонлари майдаланидан, соф даромад камлиги сабабли илм-фан ютуқлари, янги техника ва технологияларни қўллашда қийинчиликлар келиб чиқади.

Республиканинг ўзига хос хусусиятлари: жойлашган ўрни, ирригация ва сугориш иншоотлари, сув манбалари, миллий менталитети қишлоқ

хўжалигида ерга хусусий мулк институтини бирданига жорий этишга монелик қилади. Шу билан бирга ерга давлат мулкчилиги, ердан фойдаланиш муаммоларини ечишда кўпгина устунликлар яратиб беради. Хусусан:

- республикада сугориладиган ер ресурсларининг тақчиллиги шароитида, ернинг иктисодий унумдорлигини ошириш учун зарур маблағларни жамият миқёсида тўплаш ва уларни оқилона сарфлашга имкон яратиб беради;

- ер билан боғлиқ илмий-техник муаммоларни давлат миқёсида ечиш ва қишлоқ хўжалигига жорий этишга шароит яратади;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммоларини давлат даражасида ҳал этиш имконини беради.

Ижара асосида ердан фойдаланиш тизимининг ҳам бир қатор устунликлари мавжуд бўлиб, улар хусусий мулкчиликнинг ижобий томонларига ўхшашлиги кўрсатиб ўтилган:

- ижара орқали деҳқон ерга нисбатан деярли мулкдор даражасига эришади;

- ижара тизими ишлаб чиқарувчиларни янги техника ва технологияларни кенг қўллаш, меҳнат унумдорлигини оширишдан манфаатдор қилади, ресурсларни тежаш ва ортиқча харажатларни камайтиришга ундайди;

- ижара деҳқонни иктисодий эркинлигини маълум даражада таъминлайди ва натижада ижарачи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ресурсларни сотиб олиш борасида мустақил фаолият юритади, бу ҳол бозорда эркин рақобат пайдо бўлишига ва ресурсларнинг оқилона тақсимланишига туртки бўлади.

3. Диссертацияда қишлоқ хўжалигида мулк шакллари ва мулккий муносабатларни ривожлантириш, деҳқонни мулк ва яратилган маҳсулотларнинг ҳақиқий эгасига айлантириш борасида қуйидаги масалалар ҳал этилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган:

- фермер хўжалиқларида ижарага берилган ер майдонларидан фойдаланиш жараёнида ижара шартномаси ва амалдаги ер қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя этиб, фермер фаолиятига ортиқча аралашини кескин камайтириш шартлиги;

- қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тизимида (айниқса, агротехника ва технологик, техникавий хизматлар) рақобатни кучайтириш зарурлиги;

- қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг техник жиҳозларни сотиб олишга йўналтирилган кредит тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги;

4. Изланишлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида давлат қорхоналарини хусусийлаштириш ва уларнинг негизида ширкат, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш жараёни юқори суръатларда амалга оширилган. Натижада, 1990 йилда республика қишлоқ хўжалиқ ялпи маҳсулотининг қарийб 60 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилга келиб эса унинг ҳиссаси 99,2 фоизни ташкил этди.

Шуниингдек, Самарқанд вилоятида ҳам хусусий мулк салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Вилоятда 2005 йилда 1995 йилга нисбатан барча

тоифадаги хўжаликларда кишлоқ хўжалик ялли махсулоти таккослама баҳоларда қарийб – 73,5 марта ошган (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилояти барча тоифадаги хўжаликларининг кишлоқ хўжалик ялли махсулоти бўйича 1995-2005 йиллардаги ҳиссасининг ўзгариши

Кўрсаткичлар номи	1995й	2000й	2005й	2005й.да	
				1995й.га нисбатан, пункт	2000й.га нисбатан, пункт
Кишлоқ хўжалиги ялли махсулоти, (таккослама баҳода) млрд.сўм	8,1	108,0	595,2	73,5марта	5,5марта
Шу жумладан (% ҳисобида)					
Ширкат хўжаликлариди	50,6	21,7	13,9	-36,7	-7,8
Фермер хўжаликлариди	2,5	3,9	17,3	14,8	13,4
Дехкон хўжаликлариди	46,9	74,4	68,8	21,9	-5,6
Жами дон, минг тонна	347,8	379,6	654,0	1,9 марта	1,7 марта
Шу жумладан (% ҳисобида)					
Ширкат хўжаликлариди	86,7	63,2	29,8	-56,9	-33,4
Фермер хўжаликлариди	3,6	11,0	50,7	47,1	39,7
Дехкон хўжаликлариди	9,7	25,8	19,5	9,8	-6,3
Пахта хом ашёси, минг тонна	234,2	167,8	260,4	1,1 марта	1,6 марта
Шу жумладан (% ҳисобида)					
Ширкат хўжаликлариди	99,6	85,7	35,9	-63,7	-49,8
Фермер хўжаликлариди	0,4	14,3	64,1	63,7	49,8
Дехкон хўжаликлариди	-	-	-	-	-
Гўшт (тирик вазиди), минг тонна	107,5	104,5	142,3	1,3 марта	1,4 марта
Шу жумладан (% ҳисобида)					
Ширкат хўжаликлариди	15,5	4,7	3,1	-12,4	-1,6
Фермер хўжаликлариди	1,5	1,4	1,5	-	0,1
Дехкон хўжаликлариди	83,0	93,9	95,4	12,4	1,5
Сут, минг тонна	352,2	425,1	602,8	1,7 марта	1,4 марта
Шу жумладан (% ҳисобида)					
Ширкат хўжаликлариди	13,6	2,7	0,4	-13,2	-2,3
Фермер хўжаликлариди	2,1	1,9	1,9	-0,2	-
Дехкон хўжаликлариди	84,3	95,4	97,7	13,4	2,3

Манба Самарқанд вилояти статистика бошқармаси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида.

Шу даврда ширкатлар салмоғи 1995 йилдаги 50,6 фоиздан 2005 йилда 13,9 фоизга камайган. Юкорида солиштирилган йилларда фермерларнинг салмоғи – 14,8 пунктга кўпайган. Уларнинг ялли махсулотдаги ҳиссаси мос равишда 2,5 ва -17,3 фоизга тенг бўлган. Бунда фермер хўжаликлариди сони ва ер майдонларининг ортиб бориши, сурункали зарар билан ишлаётган ширкатлар ўрнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши асосий таъсир этувчи омил бўлмоқда.

Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг ривожланиши натижасида пахта ва ғалла етиштириш асосан фермер ва ширкат хўжаликлариди; чорва махсулотлари эса дехкон хўжаликлариди мужассамлашуви кузатилади.

Вилоятда 2005 йилда деҳқон хўжаликларига озука экинларининг – 27,5 фоизи тўғри келган бир пайтда, жами қорамолларнинг - 95,6 фоизи, шу жумладан, сиғирларнинг - 97,1 фоизи тўғри келган. Озука экинлари майдони ва чорва моллари бош сони ўртасидаги бундай номуносиблик деҳқон хўжаликларида чорвачиликни барқарор ривожлантиришга тўсик бўлмақда.

Шунга қарамадан деҳқон хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Вилоятдаги жами экин майдонининг - 15,6 фоизи деҳқон хўжаликларида (шундан 36,7 фоизи ширкат ва 47,7 фоизи фермер хўжаликларида) мужассамлашган бўлсада, улар томонидан кишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг - 68,4 фоизи ишлаб чиқарилган. Деҳқон хўжаликларида 2005 йилда экин майдони бирлигига – 7854,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич ширкат ва фермер хўжаликларига нисбатан мос равишда – 11,8 ва 11,6 марта юқори бўлган.

Меҳнат унумдорлиги даражаси бўйича фермер хўжаликлари устунликка эга бўлиб, улар томонидан бир ишловчи ҳисобига – 1036,3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич ширкат ва деҳқон хўжаликларига нисбатан мос равишда – 1,4 ва 1,2 марта кўпдир.

Демак, мулкдорлик ҳисси шаклланган деҳқон ва фермер хўжаликларида интенсифлаштириш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг юқорилиги илмий ишдаги илгари сурилган ғоянинг амалий тасдиғидир.

5. Таҳлиллар кўрсатишича кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товарлилик даражаси турлича ташкил топган. Жумладан, ғалланинг товарлилик даражаси 2005 йилда вилоят бўйича – 46,3 фоиз, шу жумладан, ширкатларда – 57,6; фермерларда – 46,5 ва деҳқон хўжаликларида эса – 28,6 фоизга тенг бўлган. Бошқа маҳсулотларнинг товарлиги ҳам деярли шу нисбатда сақланмоқда. Маълумки, товарлилик даражаси ошиши натижасида хўжаликларда пул маблағлари кўпаяди, маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш имконияти ортади, ихтисослашув кучаяди ва самарадорлиги ошади.

Самарқанд вилояти бўйича жами дон маҳсулотлари рентабеллик даражаси 1995 йилда – 14,9 фоиз бўлгани ҳолда, 2001 йилда - 5,2 фоиз зарарликни ташкил этган. Зарарлик асосан ғалла экинларининг ҳосилдорлик даражасини ўзгариши билан бевосита боғлиқ. Масалан, 2002 йилда ғалла ҳосилдорлигини ўтган йилларга нисбатан қарийб - 40,0 фоизга ошганлиги натижасида рентабеллик - 20,8 фоизни ташкил этган. 2005 йилда эса ҳосилдорликнинг пасайиши ҳамда ўртача сотиш баҳосининг таннархга нисбатан секин ўсиши натижасида рентабеллик – 6,0 фоизни ташкил этган.

Вилоятда 1995 йилда пахта ишлаб чиқариш зарарлик даражаси – 6,7 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда эса – 4,4 фоиз рентабелликка эришилган. Унинг даражаси қорхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъмин этишга имконият ярата олмайди.

Вилоятда кишлоқ хўжалик қорхоналаридаги паст рентабеллиги ёки зарарлигига асосан маҳсулот ишлаб чиқариш таннархининг юқорилиги ва

сотиш баҳосининг нисбатан пастиги, ресурслар ва хизматлар баҳоларининг ошиб бориши сабаб бўлмоқда.

Самарқанд вилояти ширкат хўжалиklarининг 1995-2005 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида жами дон ва пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари рентабеллигининг кўп омилли корреляцион таҳлили Windows^{XP} PASCAL дастури ёрдамида Гаусс усули орқали амалга оширилди. Бунинг учун рентабелликка (Y) таъсир этувчи қуйидаги омиллар белгиланди:

- x_1 – 1ц. маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, сўм;
- x_2 – 1ц. маҳсулотнинг ўртача таннархи, сўм;
- x_3 – 1ц. маҳсулотни сотишдан олинган фойда ёки зарар, сўм;
- x_4 – меҳнат сарфи, 1 киши соат/ сўм;
- x_5 – маҳсулот миқдори, минг тонна;
- x_6 – ҳосилдорлик, 1ц./га;
- x_7 – экин майдони, минг га;

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида жами дон рентабеллигига юқори таъсир этувчи омиллар ичидан учтаси танлаб олинди ва нормал тенгламалар тизимининг ечими натижасида уч омилли моделнинг қуйидаги регрессия тенгламаси тузилди:

$$Y = 4,1703 + 2,0623x_6 - 0,0021x_2 + 0,0027x_1;$$

Омилларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи корреляция коэффициентлари $R = 0,7813$ ва унинг моҳиятлилигини ифодаловчи Фишер мезони $F = 36,6572$ га тенг бўлди.

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: ҳосилдорликнинг 1 центнерга кўпайиши жами дон рентабеллигининг – 2,0623 фоизга ошишига олиб келади; маҳсулот таннархининг 1 сўмга кўпайиши рентабелликнинг – 0,0021 фоизга пасайишига олиб келади; сотиш баҳосининг 1 сўмга кўпайиши эса рентабелликнинг – 0,0027 фоизга ошишига сабаб бўлади.

Шунингдек, пахта хом ашёси рентабеллигига юқори таъсир этувчи уч омилли моделнинг қуйидаги регрессия тенгламаси тузилди:

$$Y = 34,2701 + 0,0053x_3 + 1,6963x_6 - 0,0032x_2;$$

Бунда $R = 0,8651$ ва $F = 44,2364$ га тенг бўлди.

Юқоридаги маълумотлар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: фойда миқдорининг 1 сўмга ошиши пахта хом ашёси рентабеллигининг – 0,0053 фоизга ошишига олиб келади; ҳосилдорликнинг 1 центнерга кўпайиши рентабелликнинг – 1,6963 фоизга ошишига олиб келади; маҳсулот таннархининг 1 сўмга кўпайиши рентабелликнинг – 0,0032 фоизга пасайишига сабаб бўлиши аниқланди.

6. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг асосий омили маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва сотиш баҳоларини такомиллаштириш ҳисобланади. Бунда илғор ва тежамкор технологиялардан оқилона фойдаланган фермер хўжалиklarида юқори самарадорликка эришилган (2 – жадвал).

**Илгор фермер хўжалиқларида пахта хом ашёси ишлаб чиқариш
самардорлиги, 2005 йил**

№	Кўрсаткичлар номи	Вилоят фермер хўжалиқларида	Шу жумладан илгор фермерлар		
			М.Камолов номи	«Намуна-Р»	Муродулло бобо номи
1.	Ҳосилдорлик, ц/га	24,9	40,3	41,6	43,8
2	1ц пахта хом ашёси таннархи, сўм	24950	19205	18946	17984
3	1ц пахта хом ашёси сотиш баҳоси, сўм	27931	28156	28067	28520
4	1ц пахта хом ашёси учун меҳнат сарфи, киши/соат	186	106	104	96
5	Соф фойда, 1ц /сўм	2981	8951	9121	10536
6	Рентабеллик, %	11,9	46,6	48,1	58,6

Маъба. Самарқанд вилояти статистика бошқармаси йиллик ҳисобот ва хўжалиқларнинг бирламчи маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.


Пахтачи тумани М.Камолов номи, Каттакўрғон тумани «Намуна-Р» ва Муродулло бобо номи фермер хўжалиқларида пахта хом ашёси ишлаб чиқаришда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини оширилиши маҳсулот таннархини пасайишига олиб келган. Бу хўжалиқларда 1 гектардаги туп сони вилоят ўртача даражасидан 18-20 фоизгача кўп бўлиб, 1 гектарга сарфланган ўғитлар миқдори ҳам: органик ўғит ва азот бўйича қарийб - 2,0 баробарга, фосфор ва калийда мос равишда 1,6 ва 1,4 мартага юқори бўлган.

Бу албатта, илмий асосланган нисбатларга яқин келганлиги учун ўз самарасини берган. У пировард кўрсаткич бўлган рентабелликда яққол кўзга ташланган, яъни ушбу фермер хўжалиқларида вилоят даражасидан 4,0-5,0 марта юқорилигини билдиради. Демак, вилоятдаги бошқа хўжалиқларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг тежамкор ва илгор технологияларига амал қилган хўжалиқ юритиш шакллари даражасига эришишнинг ички имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

7. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтирилган тарзда давом этиши ёки рақобат курашида инкирозга юз тутишини белгиловчи асосий омилдир.

Бизнингча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги, энг аввало, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ер муносабатларини ислох қилиш натижалари билан бевосита алоқада бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминловчи асосий ташкилий-иқтисодий тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий ташкилий –иқтисодий тадбирлар*

Диссертацияда ташкилий-иқтисодий тадбирлар ва уларни амалга ошириш шарт-шароитлари тўғрисида батафсил фикрлар баён этилган.

Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлилиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни молиялашда бозор тизими шакланганлиги даражаси билан белгиланади. Бунда;


-хўжалик етказиб берган махсулот учун тўловнинг ўз муддатларида ва тўла ҳажмда амалга оширилиши;

-қишлоқ хўжалигини, мулк шаклидан катъий назар, кредитлаш тизимининг такомиллашганлик даражаси, яъни кредитлаш муддати ва фоиз ставкалари, гаров, қафолат шартлари, кредит шартномаларини расмийлаштиришдаги қулайликлар;

-хўжаликнинг ўз маблагидан фойдаланишдаги эркинлигининг тўла таъминланган бўлиши каби тадбирлар билан белгиланади.

* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Маълумки кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозордаги рақобатбардошлиги асосан икки омил орқали баҳоланади, яъни, рақобатбардошликнинг – баҳо омили ва сифат омили (2-расм).



2-расм. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бозордаги рақобатбардошлиги омиллари*

Агарда республикамизда аҳоли даромадлари, айниқса, кишлоқда истиқомат қилувчи оилалар даромади пастлигини ҳисобга оладиган бўлсак сифат омили иккинчи даражали омилга айланади. Чунки паст даромадга эга бўлган аҳоли томонидан сифатли ва қиммат маҳсулотларга эмас, балки арзонроқ, сифати пастроқ маҳсулотларга талаб пайдо бўлиб, сифат омилига эътибор кейинги ўринга ўтади. Натижада харидор талаби, деҳқондан маҳсулот сифатини оширишга рағбат уйғотмайди.

Маҳсулот рақобатбардошлиги нафақат унинг сифатига, балки бозордаги таклиф даражасига ҳам боғлиқ. Бу масалани, ички бозорни, қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш орқали ҳал этиш лозимлиги асосланди.

8. Ҳозирги кунда кишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳоли нафақат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни балки оддий такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга имкон бермаслиги, хўжаликларни экинлар вегетацияси даврида молиявий маблағлар билан таъминлашни такозо этади.

Фермер хўжаликлари йил давомида қисқа муддатли кредитларга муҳтожлик сезишмоқда. Бу ҳолат ҳозирги вақтда қисман аванс йўли билан ҳал этилаётган бўлсада, авансни фақатгина пахта ва ғалла учун ажратилиши, ва бошқа маҳсулотлар учун аванс ажратилмаётганлиги хўжаликларга молиявий муаммолар тугдирмоқда. Айниқса, майдони 10-15 гектар бўлган

* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

фермер хўжаликларига ажратилган транш маблаглари жуда оз миқдорни ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам йил давомида фермер хўжалиklarини молиявий маблағ билан таъминлашда хизмат кўрсатувчи банклар орқали тўғридан-тўғри кредитлаш тизимини такомиллаштириш лозим.

Истикболда ўзгаришларни башорат қилиш хўжалик юритиш шакллари-нинг ривожланиш йўналишларини асослашда муҳим аҳамият касб этади. Ривожланиш башорати турли хўжалик юритиш шакллари-нинг 1995–2005 йиллардаги кўрсаткичлари динамикаси таҳлили асосида экстраполяция усули билан баҳоланди. Унга мувофиқ келажакда пахта ва галла етиштиришда асосий ўринни фермер хўжаликлари эгаллаб бориши кутилади (3 -жадвал).

3-жадвал

Вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини етиштиришда турли хўжалик юритиш шакллари салмоғини ўзгаришининг истикболлари

Кўрсаткичлар	Ҳақиқий кўрсаткич			Башорат кўрсаткичлари					
	2005 йил			2008 йил			2010 йил		
	Фермер хўжалиги	Дехкон хўжалиги	Ширкат хўжалиги	Фермер хўжалиги	Дехкон хўжалиги	Бошқа к/х корхоналари	Фермер хўжалиги	Дехкон хўжалиги	Бошқа к/х корхоналари
Жами галла етиштириш									
Майдони, м га	85,7	24,1	63,1	124,2	23,5	32,2	152,7	23,4	11,0
Миқдори, м т	332,6	127,1	194,3	495,1	150,4	116,9	648,8	154,7	43,6
Салмоғи, %	50,7	19,5	29,8	64,9	19,8	15,3	76,6	18,3	5,1
Пахта етиштириш									
Майдони, м га	66,9	-	38,1	91,2	-	14,1	99,5	-	6,2
Миқдори, м т	167,0	-	93,4	228,0	-	35,8	253,7	-	15,3
Салмоғи, %	64,1	-	35,9	86,4	-	13,6	94,3	-	5,7
Сабзавот (очикда) етиштириш									
Майдони, м га	5,7	11,3	5,4	7,9	12,4	4,1	9,4	12,9	3,2
Миқдори, м т	126,7	393,2	105,1	191,4	414,8	69,7	231,7	459,1	53,2
Салмоғи, %	20,3	62,9	16,8	28,3	61,4	10,3	31,1	61,7	7,2
Картошка етиштириш									
Майдони, м га	0,6	8,1	0,3	0,8	8,6	0,2	1,2	8,7	0,1
Миқдори, м т	11,0	194,5	3,2	14,7	202,6	2,3	23,5	209,9	1,2
Салмоғи, %	5,3	93,2	1,5	6,7	92,3	1,0	10,0	89,5	0,5
Мева етиштириш									
Майдони, м га	3,5	8,2	7,6	7,4	8,5	3,9	11,0	9,0	2,0
Миқдори, м т	23,3	82,4	46,5	57,3	91,8	18,2	95,7	100,8	10,0
Салмоғи, %	15,3	54,1	30,6	34,2	54,9	10,9	46,3	48,9	4,8
Ўзум етиштириш									
Майдони, м га	3,9	9,1	15,3	10,2	9,0	8,1	14,6	9,1	6,3
Миқдори, м т	25,6	85,5	110,3	67,6	87,2	53,2	102,2	89,5	44,8
Салмоғи, %	11,6	38,6	49,8	32,5	41,9	25,6	43,2	37,9	18,9
Сўт етиштириш									
Миқдори, м т	11,6	588,9	2,3	16,2	677,3	1,7	21,1	812,4	1,3
Салмоғи, %	1,9	97,7	0,4	2,3	97,5	0,2	2,5	97,3	0,2
Тухум етиштириш									
Миқдори, млн дона	48,2	171,7	142,4	62,7	197,8	129,5	86,7	235,6	99,5
Салмоғи, %	13,3	47,4	39,3	16,1	50,7	33,2	21,0	54,9	24,1

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Бунда 2010 йилга бориб фермер хўжалиklarининг пахта етиштиришдаги салмоги 2005 йилдаги - 64,1 фойздан 94,3 фойзга ортиши, ғалла етиштиришда эса - 50,7 фойздан 76,6 фойзга ортиши кутилади.

Мева-сабзавот ва чорвачилик махсулотлари етиштиришда деҳқон хўжалиklари ўрни мустаҳкамланиб боради. Йирик шаҳар ва туманлар марказлари атрофида аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган кишлок хўжалик махсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб этади, бу тадбир тегишли ҳудуддаги қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ўзига хос ўрин тутади.

III. ХУЛОСА

Тадқиқот давомида кишлок хўжалигида мулк шаклларининг ривожланиши ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича асосий муаммолар ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди ҳамда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Мамлакатимиз кишлок хўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири мулк шаклларини ривожлантиришга хусусан, давлат мулкни нодавлат секторига айлантиришга, мулкка эгалликни таъминлашга қаратилгандир. Бу жараённинг биринчи босқичида давлат мулки жамоа мулкига айлантирилган бўлса, эндиги босқичида ширкат хўжалиklари бевосита хусусий мулк шакли бўлган фермер хўжалиklarига айлантирилмоқда. Шунингдек, оилавий мулкка асосланган деҳқон хўжалиги ривож топмоқда. Натижада, 1990 йилда республика кишлок хўжалик ялпи махсулотининг қарийб - 60,0 фойзи нодавлат секторидида ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилга келиб унинг ҳиссаси - 99,2 фойзни ташкил этган.

2. Тадқиқотлар кўрсатдики кишлок хўжалигида мулк шаклларининг ривожланиши ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари иқтисодийётнинг ривожланиши, ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлиши учун қанчалик муҳимлигига қарамадан мамлакатимизда ушбу муаммони ўрганишга бағишланган тадқиқотлар ҳамон ўта қамлиғича қолмоқда. Мазкур ишда кишлок хўжалигида мулк шаклларини ривожлантириш жамоа мулки доирасида ширкат хўжалиklари, хусусий мулк шаклида фермер хўжалиklари, оилавий мулк шаклида деҳқон хўжалиklари ўрганилди ва уларда махсулот етиштириш самарадорлиги, уларнинг ўзгариш тенденцияси киёсий жиҳатдан таҳлил қилинди.

3. Қишлок хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурси давлат мулки бўлганлиги туфайли ундан узок муддатда ижара асосида фойдаланиш деҳқонни ерга яқинлаштириш имконини берганлиги ва уни ўзига ажратилган ердан самарали фойдаланиш учун шароит

яратилганлиги кишлоқ хўжалигида самарадорликни оширишнинг асосий омили бўлганлиги аниқ мисоллар ёрдамида асосланди.

4. Турли хўжалик юритиш шаклидаги корхоналарнинг ривожланиши натижасида экин майдонлари таркибида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришлар натижасида қуйидаги ҳолат кузатилади: пахта ва галла етиштириш асосан хусусий мулкка асосланган фермер ва жамоа мулкига асосланган ширкат хўжаликларида; мева, сабзавот, чорва маҳсулотлари етиштириш эса оилавий мулкка асосланган деҳқон хўжаликларида мужассамлашмоқда.

Тахлиллар кўрсатишича, 2005 йилда деҳқон хўжаликларига озука экинларининг - 26,8 фоизи тўғри келган бир пайтда, жами қорамолларнинг - 95,6 ва сизирларнинг - 97,1 фоизи тўғри келган. Озука экинлари майдони ва чорва моллари бош сони ўртасидаги бундай номутаносиблик деҳқон хўжаликларида чорвачиликни барқарор ривожлантиришга тўсик бўлмоқда. Бунинг учун вилоятда жадал суръатлар билан пахта-галла-беда схемасидаги алмашлаб экишни ўз ўрнига тиклаш мақсадга мувофиқдир.

5. Тахлиллар кўрсатишича, вилоятда дон экинлари ҳосилдорлиги 2005 йилда 1995 йилга нисбатан - 2,7 марта, жумладан, ширкат хўжаликларида - 2,3 марта, фермер хўжаликларида - 3,0 марта, деҳқон хўжаликларида эса - 3,1 марта ошган. Бошқа экинлар ҳосилдорлиги ҳам ошган. Самарқанд вилояти бўйича таҳлил қилинганда нисбатан юқори ҳосилдорлик деҳқон ва фермер хўжаликларида кузатилмоқда. Бу ҳам кўрсатмоқдаки, хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакли жамоа мулкига асосланган хўжалик юритиш шаклига нисбатан бир мунча самарали экан.

6. Самарқанд вилояти бўйича жами дон маҳсулотлари рентабеллик даражаси 1995 йилда - 14,9 фоиз бўлгани ҳолда, 2005 йилда эса ҳосилдорликнинг пасайиши ҳамда сотиш баҳосининг таннархга нисбатан секин ўсиши натижасида рентабеллик - 6,0 фоизни ташкил этган. Вилоятда 1995 йилда пахта ишлаб чиқариш зарарлик даражаси - 6,7 фоиз бўлган бўлса, 2005 йилда эса - 4,4 фоиз рентабелликка эришилган. Аммо унинг даражаси кегайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъмин этмайди.

7. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишнинг асосий омили маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва сотиш баҳоларини такомиллаштириш ҳисобланади. Бунинг учун ҳосилдорлик ва моллар маҳсулдорлигини ошириш, тармоқда маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш, селекция ва уруғчилик, наслчиликни талаб даражасида ташкил этиш, ер ва иқлим шароитига мос серхосил, ва тезпишар навларни жойлаштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва тежамкорликни таъминлаш чораларини кўриш лозим.

8. Тадқиқотлар натижасида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминловчи асосий ташкилий-иқтисодий тадбирлар каторига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Библиотека

СамСХМ

ИИР

а-14022

-махсулот экспорти учун кулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларнинг яратилиши;

-экспорт операцияларини кредитлаш тизимининг кулай ва самарали фаолият юритиши;

-экспорт операцияларини транспорт хизмати билан таъмин этиш тизимини йўлга қўйишда давлатнинг рағбатлантирувчи дастакларни ишга солиши;

-кишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш тизимининг такомиллашганлик даражаси, яъни кредитлаш муддати ва фоиз ставкалари, гаров, кафолат шартлари, кредит шартномаларини расмийлаштиришдаги кулайликларни яратиш билан белгиланади.

9. Барча хўжалик юритиш шаклларида мелиорация ишларини амалга ошириш учун махсус фонд ажратилмаганлиги боис мелиорация ишларини ўз вақтида бажаришга имкон бўлмаётир. Шу боис мелиорация ишлари учун ҳам ёқилги мойлаш материалларини (ЁММ) харид қилиш учун тўлов механизмини такомиллаштиришни ҳал этиш лозим. Чунки ЁММни биржалардан сотиб олиш учун ҳозирда аксарият ҳолларда хўжаликлар эркин маблағларга эга эмаслигидан муаммолар пайдо бўлмоқда.

10. Республикада зарар билан ишловчи ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш орқали ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Аммо, ҳозирда ташкил этилаётган фермер хўжаликларининг фаолиятига маҳаллий раҳбарлар, назорат органлари ходимларининг ноқонуний аралашуви кўплаб учрамоқда ва бу мулк шакллариининг ривожланишига, ҳуқуқларнинг паймол этилиши натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига салбий таъсир этмоқда.

Бундай ҳолатларга барҳам бериш мақсадида фермер хўжаликларини демократик бошқариш тизимини яратиш, ишлаб чиқариш ва истеъмол йўналишлари бўйича «Фермерлар Кооперацияси»ни ташкил қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Дехкон хўжаликлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва ердан фойдаланиш жараёнида юзага келаётган мавжуд вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, ер участкасини мулк шаклида берилиши масаласини ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш бугунги кунда объектив зарурият эканлиги асосланди.

Олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш кишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчи дехконнинг ўзини тўла маънода мулкдор сифатида ҳис этишини таъмин этишга хизмат қилиши лозим. Инсоннинг ўзини мулкдор сифатида ҳис этиши, уни жон-жаҳди билан меҳнат қилишга, мулкдан унумли фойдаланишга ундайди. Пировардида юқори самарадорликка ва фаровонликка эришади.

Тадқикот натижасида олинган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши кишлоқ хўжалиги иктисодиётининг ривожланишига хизмат қилади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

1. Саттаров Ш., Саиджонов С. Махсулот таннархини пасайтириш имкониятлари. // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги. -2000. -№ 6. –Б.10-12.

2. Хусанов М., Саттаров Ш. Турли хўжалик юртиш шаклларида иктисодий самарадорликни ошириш омилиларидан оқилона фойдаланиш. // Иктисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш механизмини такомиллаштириш: Респ. илм. конф. тўпл. - Самарқанд: СамҚХИ, 2001. 79-82 б.

3. Саттаров Ш. Фермер хўжаликлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари. // Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида Республика кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: Илм.-амал.конф. маъруза. тўп. -Тошкент. ЎзБИИТИ. 2002. 207-212 б.

4. Саттаров Ш., Саиджанов С. Повышение эффективности многоукладной экономики в сельском хозяйстве Узбекистана: Сб. науч. тр. – ОмГАУ.-Омск, 2002. 7-9 б.

5. Саттаров Ш. Бозор иктисоди самарадорлиги нималарга боғлиқ? // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги. -2002. -№ 2. –Б. 23-25.

6. Саттаров Ш. Повышение эффективности многоукладной экономики в сельском хозяйстве. // Ж. Сельское хозяйство Узбекистана. -2002. -№ 2. –Б. 53-55.

7. Саттаров Ш. Развитие фермерства в Узбекистане и пути повышения его экономической эффективности. // Ж. Актуальные проблемы современной науки. -М. 2003. -№ 4. –Б. 32-34.

8. Хусанов М., Саттаров Ш., Саиджонов С. Кишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг ривожланиши ва уларни самарадорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш: Илмий мақолалар тўплами. – СамҚХИ.- Самарқанд, 2003. -3-9 б.

9. Хусанов М., Саттаров Ш., Саиджонов С. Бокимандаликни бозор хушламайди. // Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалиги. -2003. -№ 12. –Б. 8-9.

10. Сатаров Ш. Эффективность аграрной реформы в Узбекистане. //Сб. ст. участ. FEP/USDA. Вашингтон. 2004. С. 91-94.

11. Sattarov Sh. Development of Farms in Uzbekistan.//. Proceeding of the Scientific Symposium. AGROPRINT Publishing House, Timișoara -2005.-P.45-49.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Ш.Х. Саттаровнинг 08.00.04-Микроиқтисодиёт (АСМ) ихтисослиги
бўйича «Қишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг ривожланиши ва
уларни самарадорлигини оширишнинг асосий муаммолари»
мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таняч (энг мухим) сўзлар: мулк ва мулккий муносабатлар, фойда, таннарх, рентабеллик, талаб ва таклиф, баҳо, ракобатбардошлик.

Тадқиқот объектлари: Самарканд вилояти ширкат, фермер ва дехкон хўжаликлари.

Ишнинг мақсади: тадқиқот мақсади қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида мулккий муносабатларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усули: тадқиқотлар жараёнида таққослаш, солиштирма ва иқтисодий таҳлил, монографик кузатиш, иқтисодий-математик, истикболни белгилашдаги башорат ва бошка усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларининг асослари илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, уларнинг асосий йўналишлари асосланганлиги; турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилиб, уларга таъсир этувчи омиллар тизими ишлаб чиқилиб ва амалиётга тавсия қилинганлиги; турли мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ракобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва маҳсулотлар ракобатбардошлигига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги; иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида юз бераётган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни ечиш юзасидан тавсиялар тайёрланганлигида намоён бўлади.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган тавсиялардан турли мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш жараёнида, мулккий муносабатларни такомиллаштиришда ва шунингдек, олий ўқув юртлари ўқув жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган айрим таклиф ва тавсиялар Самарканд вилояти иқтисодиёт Бош бошқармаси хайъати томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган (№01-13/50, 18.01.2006) ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (№01/08-9, 15.03.2006).

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: қишлоқ хўжалиги тармоғи.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ш.Х. Саттарова на тему «Основные проблемы повышения эффективности и развития формы собственности в сельском хозяйстве» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – Микроэкономика (АПК)

Ключевые слова: собственность и отношения собственности, прибыль, себестоимость, рентабельность, спрос и предложение, цена, конкурентоспособность.

Объекты исследования: объектами исследования являются сельскохозяйственные кооперативы (ширкаты), фермерские и дехканские хозяйства Самаркандской области.

Цель работы: разработка научно обоснованных предложений по развитию форм собственности и повышения экономической эффективности производства в условиях углубления экономических реформ в сельском хозяйстве.

Метод исследования: сравнение, сравнительный и экономический анализ, монографическое наблюдение, социальный опрос, прогнозирование, экономическо-математические и др.

Полученные результаты и их новизна: заключается изученностью научно-теоритической основы различной формы собственности и хозяйствования в сельском хозяйстве и обоснованностью их основных направлений; разработанностью системы факторов влияющих на экономической эффективности производства продукции в сельскохозяйственных предприятиях с различной формой собственности; разработанностью рекомендации по укреплению конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции и эффективному использованию факторов влияющих на повышению конкурентоспособности; разработанностью рекомендации по решению организационных, экономических и правовых проблем, возникающие в деятельности сельскохозяйственных предприятий в условиях либерализации экономики.

Практическая значимость: разработанные предложения и рекомендации могут быть использованы при разработке экономической программы по повышению эффективности производства в различных форм хозяйствования в сельском хозяйстве; в процессе подготовки кадров в высших учебных заведениях.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные некоторые предложения и рекомендации в результате исследования, внедрены в производства Главным управлением экономики Самаркандской области (№01-13/50, 18.01.2006) и подтверждено Министерством сельского и водного хозяйства (№01/08-9, 15.03.2006).

Область применения: сельское хозяйство.

RESUME

Thesis of Sh. Sattarov «The basic problems of increasing the efficiency and development of the forms of ownership in an agriculture » on co searching for a scientific degrees of Doctor of Economic Sciences on the specialty 08.00.04. - Microeconomics (AIC)

Key words: property and attitudes of the property, profit, cost price, profitability, supply and demand, price, competitiveness.

Subjects of the inquiry: objects of research are the agricultural cooperatives (shirkats), farms and smallholders of the Samarkand region.

Aim of the inquiry: development of scientifically proved recommendations on development of patterns of ownership and increasing of economic efficiency of manufacture in conditions of a deepening of economic reforms in agriculture.

Method of inquiry: comparisons, comparison and economic analysis, monographic supervision, social interrogation, forecasting, econometrics and etc.


The results achieved and their novelty: research on scientific and theoretical fundamentals of different types of ownership in agriculture and substantiation of their reference directions; worked out the factors system of production efficiency in agricultural enterprises with a different types of ownership; worked out the recommendations on strengthening of competitiveness of agricultural production and effective utilization of the factors influential on increasing of competitiveness; worked out the recommendations on solution organizational, economic and legal problems arising in activity of agricultural enterprises in conditions of economic liberalization.

Practical value: the developed proposals and recommendations can be used by development of the economic program on increase of production efficiency in various forms of managing in agriculture; during a professional training in Higher Educational Institutions.

Degree of embed and economical affectivity: some of revealed recommendations are accepted by Central administrative board of economy of the Samarkand region for introduction in manufactures (№01-13/50; 2006, January, 18) and approved by Ministry of Agriculture and water resources (№01/08-9; 2006, March, 15).

Sphere of usage: agriculture.

Тадқиқотчи



а-14022

Самитов Ш. Х.

Бишкөк хуяа-
легида мулк
сактаар аркы
рабочеларымы
ва уларте

✓